Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 170 (3671)
ЖУМА
28 ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СИБИРЬ ВА УЗОҚ ШАРҚ БУЮРТМАЛАРИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ, ЮҚОРИ СИФАТДА БАЖАРИЛАДИ

НОВОСИБИРСК ВА ВЛАДИВОСТОККА

Бу йил «Эталон» заводида иккита янги прибор — «ТЭН-402» ва «ТДС» маркали термостатли ҳамда термостатсиз переключателлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Биринчи прибор белгиланган параметрлардаги кучланишни текширишга мўлжалланган бўлса, иккинчиси тармоқлардаги ва электр механизмларидаги электр токининг кучланишини текширишга мўлжалланган.

Бу янги маҳсулотлар Москва, Ленинград, Болтиқ бўйи, Қозоғистон, Қирғизистондаги корхоналар ва ташкилотларга жўнатиш учун тайёрланди. Ҳозирги кунда тошкентлик приборсозлар Сибирь территориал давлат стандартн бошқармаси, Сибирь ва Узоқ Шарқ давлат надзорлари лабораторияларининг буюртмаларини бажаришга киришдилар. Асбобсозлик цехининг П. Плюшкин бошлиқ участка коллективи Владивосток ва Новосибирск корхоналари учун приборлар тайёрламоқда. Участка аҳли буюртмани муддатидан илгари, аъло сифат билан тайёрлашга ҳаракат қилмоқда.

— Ҳозирги кунда Сибирь ва Узоқ Шарқдаги табиий бойликларни ўзлаштириш вазифалари зудлик билан ҳал қилинаётган бир пайтда,— дейди Павел Иванович,— биз буюртмаларни тез олишга ва уларни муддатидан илгари тайёрлаб беришга асосий эътиборни қаратяпмиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти правленеси КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини кенг пропаганда қилиш мақсадида олимларнинг чиқишларини ташкил этишга киришди. Бундай катта сиёсий оммавий тадбир Сергели райони корхоналарида ўтказилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг доценти, тарих фанлари кандидати, Л. К. Шек бошчилигидаги олимлар группаси бир қатор корхоналарда бўлдилар. Улар 7-такси парки, 4-автобус парки, 1-уйсозлик комбинатининг бошқармаларн, «Промбурвод» трестида Пленумнинг тарихий аҳамиятига бағишланган лекцияларни ўқидилар.

Шаҳарнинг бошқа районларидаги корхоналарда ҳам ана шундай лекциялар циклини ўтказиш планлаштирилди.

●

Ўзбекистон ва Ҳиндистон кинематографистлари навбатдаги ижодий ҳамкорликни бошладилар. Шундай қилиб «Алибобо ва қирқ қароқчи» бадиий совет — ҳинд фильмини суратга олиш ишлари бошланди. Бу картинани Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган санъат арбоби Латиф Файзиев ва ҳинд кинорежиссёри Умеш Мехра суратга олмоқдалар.

«Иглфильмз» фирмаси «Ўзбекфильм» билан яна янги ижодий ҳамкорликни бошлади. Операторлар П. Пейтра ва Л. Травицкий, рассомлар Б. Адҳая ва Э. Қаландаров фильмни тайёрлашда қатнашишади. Суратга олинадиган жойлар танлаб бўлинди.

«Алибобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильми Самарқанд, Бухоро, Душанба шаҳарларида, Назарбек қишлоғида, Ҳиндистоннинг Деҳли ва Бомбай шаҳарларида суратга олинади. Картинада ҳинд-ўзбек санъаткорлари билан бирга «Мосфильм» киностудиясининг артистлари ҳам иштирок этадилар.

Бугун

Октябрь район партия комитетининг мажлислар залида район китобсеварлар жамиятининг ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди. Унда амалга оширилган ишлар юзасидан сўзга чиққан докладчи ва нотиқлар жамият фаолияти кейинги пайтларда бирмунча жонланганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Район китобсеварлар жамиятининг 2600 дан зиёд аъзоси бор. 20 бошланғич ташкилот ишлаб турибди. 13 та мактабдаги болалар секциялари. 10 минг ўқувчини қамраб олган. 17 корхона ана шу жамиятнинг коллектив аъзоси ҳисобланади.

●

Республика маданият министрлигига қарашли панорама ва виставкалар дирекцияси санъатшунослари Италия ва Финляндия мамлакатларида ўтказилаётган Ўзбекистон кунларига катта тайёргарлик кўрдилар.

Ана шу мамлакатларда Ўзбекистон тасвирий санъатининг 60 йил ичидаги тараққиётини атрофлича кўз-кўз этадиган қатор кўргазмалар тайёрланди.

Хорижий элларда кўрсатиш учун танлаб олинган картиналар орасида таниқли рассом Р. Аҳмедовнинг «Оналик ўлғари», П. Беньковнинг «Жангчиларга совға», А. Абдуллаевнинг «Комил Яшин», С. Абдуллаевнинг «Чирчиқ водийсида», У. Таисқбоевнинг «Тоғдаги пионер лагери» ва бошқа кўпгина рассомларнинг талай картиналари бор.

Иккала мамлакатга юборилаётган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, амалий санъат асарларининг умумий сони 900 тадан иборат.

●

Лотин Америкасидаги биринчи социалистик давлат — Куба республикасида жаҳон ёшлари ва студентларининг XI халқаро фестивали катта тантана билан очилади. Тинчлик, дўстлик ва биродарлик шиори остида ўтадиган бу фестивалга жаҳоннинг 130 дан зиёд мамлакатидан вакиллар етиб борганлиги маълум қилинди.

Ана шу халқаро анжуман шарафига бағишлаб Тошкент шаҳар комсомол комитети қатор снёсий-оммавий тадбирларни белгилади. Кечқурун СССР халқлари дўстлиги музейи майдонида шаҳар комсомоллари ва ёшларининг ана шу фестивалга бағишланган митинги бўлиб ўтади. Бунда комсомол ташкилотларининг раҳбарлари. ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг ёш новатор ишчилари ана шу фестивалга бағишлаб тайёрлаган муносиб меҳнат совғалари ҳақида гапириб берадилар.

Киров номли маданият ва истироҳат богида ҳам Гавана фестивалини қутлашга бағишлаб турли миллат ёшлари билан учрашув ўтказилади, фестивални, ёшликни улуғловчи программада концерт намойиш қилинади.

Горький номли маданият ва истироҳат богида ҳам ана шу фестивалга бағишлаб «Ер курраси бўйлаб фестиваль одимламоқда» деган шиор остида қизиқарли маданий тадбирлар олиб борилади.

Эртага

СССР Ҳарбий-Денгиз флоти куни пойтахтимизнинг кўчаларида қизиқарли программада нишонланадиган бўлди.

Бунинг учун сувда қутқариш қўнғилли спортчилар жамияти «Галаба». Ленин комсомоли номли ва «Бахт» кўлларида сув устида байрам томошаларини ўтказади. «Галаба» богининг кўлида бўладиган сув мусобақаларининг қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Бунинг учун моторли ва эшкакли қайиқларда ҳар хил мусобақалар ташкил қилинади, ҳаваскорларнинг концерти берилади.

Беш йилликни бажарганлар



Улар 1976—1980 йилларда икки шахсий беш йиллик планларини бажаришга интилиб, «ўнлар ташаббуси»ни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаганлар.

«Геологоразведка» заводининг токари Николай Плотников — уста мутахассис, рационализатор. Ўзининг техника соҳасидаги ижоди учун у СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг медалига сазовор бўлди.

Н. Плотников ўз иш кунини шундай ташкил этганки, бир сменада икки ишлаб чиқариш нормасини оширади ва хизматчилари учун жуда ҳам қадрлон бўлиб қолди. Бундан бир неча йил муқаддам ана шу ерда бирлашманинг «Гулистон» пансионати қурилиб ишга туширилган эди. Бу йил оромгоҳда яна қатор ўзгаришлар юз берди. Бежирим ва кўркам уйчалар қад кўтаради. Ҳар бири уч-беш кишига мўлжалланган ўн бешдан ортиқ коттежда кабелсозларнинг оилалари яйраб ҳордиқ чиқаришмоқда. Яқиндагина кабелсозларнинг 60 дан ортиқ оиласи бу ерда завқли меҳнат гаштини сурди.

Дам олиш мавсумида бирлашманинг 600 ишчи ва хизматчиси дам олиши учун ҳамма тадбирлар кўрилмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Тажриба ремонт-механика заводида меҳнат қилаётган А. Растопчин бошлиқ бригада аъзолари ўзининг беш йилликнинг учинчи йили учун ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажарганликлари ҳақида рапорт топширишди. Бу коллектив ўтган йили СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунига қадар тўрт йиллик топшириқни бажариш бўйича оширилган мажбурият қабул қилган эди. Бу марра ҳам белгиланганидан анча илгари эгалланди.

Коллективнинг меҳнат зафарига илғор иш усулларини изчиллик билан жорий қилиш ва социалистик мусобақанинг юқори савияда ташкил қилиниши бош омил бўлди. Бригадада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи бир неча касбни мукаммал билиш билан бирга кунлик вазифани 1,5— 2 ҳисса ошириб бажаришга эришяпти. Айни пайтда улар илғор тажриба мактабларида қатнашиб янги меҳнат усулларини ўрганишмоқда. Улар рационализаторлик таклифларн киритишда ҳам фаол иштирок этишяпти.

Бу илғор коллективнинг ўз пешқадамлари бор. Улар қаторига А. Воҳидов, С. Самойлов, В. Коротколарни киритиш мумкин. Ҳозир улар ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда.



Подшипниклар ремонти заводининг реставрация цехи коллективи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида намунали меҳнат қиляпти. Цехда ҳар ойда 60 мингдан зиёд подшипник қайта тикланмоқда. Бу пландагидан анча зиёддир.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) цехнинг илғор ишчиларидан Файруза Туҳфатуллина, Кира Михайлова ва Муяссар Маҳкамова. Бу ишчилар ғайрат билан меҳнат қилиб, цех коллективи ютуқларига салмоқли ҳисса қўшишяпти.

МУҲТАШАМ КОМПЛЕКС

Лоҳутий кўчасида кейинги пайтларда бир қатор осмонўпар бинолар ва иншоотлар қад кўтарди. Ана шу ерда бунёд этилаётган автомобиль йўл институтининг янги комплекси кўча архитектурасининг ансамблини тўлдиради. «Главташкентстрой» 8-курилиш трестининг 2-курилиш бошқармаси коллективи бунёд этаётган бу комплекс иккита ўн қаватли ўқувишлаб чиқариш корпуси, олий ўқув юртининг маъмурий-хўжалик бошқармаси, катта мажлислар зали, кутубхона, ошхонадан иборат. Бу нодир ўқув комплексининг лойиҳаси «Ташгипрогор» институтида ишлаб чиқилган. Бинони пардозлашда ранг-баранг пакеллар, қимматбаҳо тошлар, мармар, алюминли витражлар, қуёш тўсқич воситалари ишлатилмоқда.

БУГУН

иккала ўн қаватли бинода паркетларни монтаж қилиш тугалланди. Бу ерда электриклар, сантехниклар ҳам қизғин иш олиб боришмоқда. Комплекснинг биринчи навбати 1978 йилнинг охирида ишга туширилиши мўлжалланган.

СИФАТЛИ ВА УНУМЛИ

Мебель ойналари фабрикаси коллективи ўзаро ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб, йиллик графикдан анча ўзиб меҳнат қиляпти. Корхона азаматлари маҳсулот реализация қилиш бўйича етти ойлик топшириқни муддатидан ўн кун аввал бажаришди. Мана бир ҳафтадирки, ойнасозлар август ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти.

БУГУН

коллективнинг йиллик саккизинчи ойи ҳисобига реализация қилган маҳсулоти 50 минг сўмликдан ортди.

Корхонада кўпгина ишчилар СССР янги Конституциясининг бир йиллик кунига қадар уч ярим — беш йиллик топшириқни бажариш учун меҳнат беллашувини авж олдиришяпти. Бу мусобақада ойнага ишлов бериш участкасининг оператори И. Чехов, ойна қирқувчи А. Худойберганов, В. Баринов, бўёқчи И. Абдуллаева пешқадамлик қилишяпти. Бу ишчилар унумли ва сифатли меҳнат қилиб, республика мебель саноати учун кўплаб ойна ва кўзгу етказиб беришга ҳаракат қилишяпти.

Бу йил ойнасозлар жами 3.5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаш учун курашяптилар.

• *Тошкент — жаҳонга* УЧ МАМЛАКАТГА

Тошкент тўқимачилик комбинатининг читга гул босиш фабрикаси ва бошқа корхоналаридан тушириб олинаётган газламалар Афғонистон, Монголия, Эрон мамлакатларининг истеъмолчиларига манзур бўлмоқда.

БУГУН

Афғонистон Демократик Республикаси учун белгиланган буюртма бўйича газламаларнинг навбатдаги туркуми жўнатила бошланди. Қисқа вақт ичида у ерга бир неча ўн минг метр маҳсулот етказиб берилади. Ана шу мамлакатга дастлаб 350 минг метрдан зиёд маҳсулот жўнатилган эди. Бу рақам йил охирига бориб яна кўпаяди.

Монголия Халқ Республикаси биринчи ярим йилликда 50 минг метр сатин учун буюртма берган эди. Яна шунча маҳсулот учун навбатдаги янги буюртма олинди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар қисқа муддатли дам олиш учун кеча Совет Иттифоқига келди.

★ «КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг чорвачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советлари. нинг иши ҳақида», «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат комитетлари ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли бошқа органлар номини ўзгартириш тўғрисида, шунингдек Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзсельхозтехника» Ўзбекистон бирлашмасини ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг моддий-техника таъминоти Бош бошқармасини қайта тузиш ҳақида», «Ўзбекистон ССР ўрмонларини муҳофаза қилишни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорлари эълон қилинган.

★ 1978 йил 27 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—1027» учирилди. Йўлдош ичига космик фазо тадқиқотларини давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

ЎЗБЕК СОПОЛИНИНГ ДОВРУҒИ

Республикамизнинг маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бири-биридан нафис ва кўркам буюмлар хорижий эллардаги харидорларнинг ҳам диққатини жалб этяпти. Шунинг учун ҳам бундай буюмларни чет эл мамлакатларига экспорт қилиш йил сайин кўпайиб бормоқда.

БУГУН

республика маҳаллий саноат министрлигининг Тошкентдаги халқ бадиий ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқариш республика бирлашмасининг коллективи Чехословакия Социалистик Республикасига ўзбек миллий сопол лаганларининг катта туркумини жўнатди. Риштондаги керамика заводида ишлаб чиқарилган 1380 та лаган ва коса дўстларимиз хонадонининг жавонларини безайдиган бўлди. Ана шу мамлакатга Тошкентдаги «Сувенир» фабрикасида тайёрланган ёғоч вазаларнинг 200 донаси ҳам илгари юборилган эди.

Германия Федератив Республикасининг савдо ташкилотлари ҳам ўзбек лаганларидан сотиб олиш мақсадида 12 минг дона буюм учун буюртма беришган эди. Яқиндагина олинган бу буюртмани бажаришга киришилди.

ЯНГИ КУТУБХОНА

Тошкент Давлат университети тарих факультетининг янги биносида бойитилган ва кенгайтирилган кутубхона ишлай бошлади.

Бу — тарих фани бўйича Ўзбекистондаги энг йирик кутубхонадир. Зиё масканидаги китоблар сони 60 мингдан ошади, шундан 1000 таси янги нашрдан чиққан китобларидир.

Кутубхонадан марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларини, фалсафа, снёсий иқтисодга оид китобларни, Катта Совет Энциклопедияси, Катта Тарихий Энциклопедияларни ва бошқа китобларни олиб ўқиш мумкин.

ФЕСТИВАЛНИ ОЛҚИШЛАБ

Тошкент Давлат консерваториясининг снёсий қўшиқлар клуби ижрочилари Гаванада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалига бағишланган янги концерт программасини намойиш қилдилар.

Яқиндагина бу клуб коллективи унчалик катта бўлмаган ҳаваскорлик тўгарагидан иборат эди. У тез орада ижрочилик маҳорати билан шуҳрат қозонди. Бир йилдан кейин вокал-чолғу ансамбли республика, шаҳар кўрикларининг дипломлари ва фахрий ёрлиқларини қўлга киритди.

БОҒДА БАЙРАМ

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат богида Гаванада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалига бағишлаб Октябрь районидаги пионер лагерларн бадиий ҳаваскорларининг кўриги бўлиб ўтди. Бу маданий тадбир «Қўшиқ бизга кўришга ва яшашга ёрдам беради» деган шиор асосида ўтказилди.

Кўрикда 92-мактаб пионер лагерининг «Лола» ансамбли ижрочилик маҳорати бўйича голиб чиқди ва фахрий ёрлиқ билан мукофотланди. 157 ва 13-мактабларнинг ҳаваскорлари ҳам ана шу кичик кўригининг лауреатлари бўлишди.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Хартумда Африка бирлиги ташкилотининг анжумани

«Қора танлилар қитъаси»даги 49 та мустақил давлатни бирлаштирган Африка бирлиги ташкилоти (АБТ) министрлар кенгашининг ҳар йилги сессияси Африка қитъасининг снёсий ҳаётида катта воқеа ҳисобланади. Шу ваколатли кенгашлар давомида Африкага доир муҳим проблемалар муҳокама қилинади. АБТда қатнашувчи мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг сессиясида тасдиқланиши лозим бўлган резолюциялар ишлаб чиқилади. 17 июлда Судан пойтахти Хартумда ўз ишини тамомлаган сессия ҳам Африка давлатлари бирлигини мустаҳкамлаш, Африкага доир бир қанча проблемалар юзасидан ўзаро келишиларга снёсатни ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сессия «қора танлилар қитъаси» ҳаётида мураккаб ва кескин бир даврда ўтди. Империализм ва унинг Африкадаги агентлари Африка халқлари бирлигига путур етказиш, миллий ва социал озодлик йўлида кучайиб бораётган ҳаракатни тўхтатиш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам Хартумдаги сессияда НАТО ҳимояси остида Африка бирлиги ташкилотини четлаб тузилаётган «Африка мамлакатлараро кучлар» тўғрисидаги масаланинг муҳокама қилиниши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бир группа прогрессив давлатлар мана шу янги мустамлакачилик найрангига кескин қарши чиқдилар, «Африка мамлакатлараро кучлар»нинг тузилиши фақат Африка халқлари душманларигагина қўл келишини таъкидлаб ўтдилар. Айни вақтда бир қанча «мўътадил» (яъни Ғарбга суянувчи) мамлакатларнинг вакиллари ўзгалар тили билан гапириб, Африкада гўё «Совет — Куба хавфи» борлигини рўкач қилиб «Африка мамлакатлараро» кучларини тузиш планини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Баъзи давлатлар бундай кучларни Африка бирлиги ташкилоти доирасида тузиш керак, деб таклиф этдилар.

Оқибат пировардида африкалик министрлар АБТ Африка давлатларининг территориал бутунлиги ва хавфсизлиги учун курашишга, қўпорувчилик фаолиятига ва уларнинг ички ишларига аралашишга барҳа бериш га қатъий аҳд қилганлигини таъкидлаганликлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Судан пойтахтида бўлиб ўтган кенгаш иштирокчилари жаҳабий ёлланганлар ва уларнинг империалист хўжайинларининг қитъадаги суверен давлатларга ва қонуний ҳукуматларга қарши жиноий ҳаракатларини кескин қоралаб чиқдилар. Улар, шунингдек, Африкада чет эл ҳарбий базалари тузилишига қатъиян қарши чиқдилар ва етакчи империалистик давлатларга қарашли бир қанча базаларни тугатишни талаб қилдилар.

Зимбабве, Жанубий Африка Республикаси ва Намибиянинг курашаётган халқларига снёсий, моддий ва ҳарбий маданни кенгайтириш тўғрисидаги қарор қитъанинг жанубида миллий-озодлик ҳаракатининг кучайганлиги муносабати билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Кўпгина делегатлар СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг Африкада ижобий роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Эфиопия ташқи ишлар министри Фелеке Гедле-Гиоргис ўз нутқида бундай деди: Совет Иттифоқи Куба ва бошқа социалистик мамлакатлар мустамлакачиликка қарши курашнинг биринчи сафларида бориб, Африка халқларига ҳамиша ҳар жиҳатдан ёрдам бериб келмоқда.

Б. ФОМИЧЕВ.

БИЗ—ВАТАНПАРВАР, ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

БУГУН ГАВАНАДА ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ XI ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

9 КУН — бугундан бошлаб 5 августгача Куба пойтахти жаҳон ёшлигининг пойтахтига айланади. Барча қитъалардан келган 20 минг ёш турли тилларда гапирсалар-да, аммо уларни империализмга қарши кураш, тинчлик ҳақида, дўстлик ва ўсиб келаётган авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш умумий мақсадлари бирлаштирган. Улар Озодлик оролида ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалига тўпландилар.

Бизнинг мамлакатимиз энг яхши бир минг йигит ва қизни Гаванага юборди. Улар орасида токарь ва композитор, кончи ва учувчи, студент ва пахтакорлар бор. Улар ўз меҳнатлари билан юксак натижаларни қўлга киритишган. Уларнинг меҳнат биографиялари ҳам хилма-хил. Уларни коммунистик идеалларга чексиз садоқат, коммунизм қурилишига ўз ҳаётини бағишлашга интилиш бирлаштирган.

Совет ёшлари вакилларининг ҳар бештасидан бири илғор ишчи ёки колхозчидир. Ҳар тўрт кишидан бири Ватанимиз ва комсомолнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишган. 150 кишн халқ депутатлари, давлат ва жамоат ишларини бошқарувчилардир. Уларга бизнинг буюк Ватанимиз, совет халқи, ёш авлоднинг, ўзининг шонли 60 йиллигини кутиб олаётган кўп миллатли Ленин комсомолидан ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида қатнашиш ишончи билдирилган.

Советлар мамлакатининг вакиллари орасида Ўзбекистон ва унинг пойтахти ёшларининг делегацияси ҳам бор. Ёшлар ва студентларнинг жаҳон анжуманида Тошкентдан 12 киши қатнашади. Булар «Баҳор» ансамбли солисти М. Эргашева, бадиий коллективлардан вакил ака-ука Д. Исломов, Э. Исломов ҳамда Х. Исломовлар, машҳур боксчи, жаҳон чемпиони Р. Рисқиев («Динамо» жамияти тренери), енгил атлетика бўйича СССР терма командаси аъзоси, физкультура ва спорт институти студентлари П. Воробьев ва А. Харловлардир. Булар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институти лабораторияси мудири Н. Зиёдуллаев, Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчиси А. Шарипова ва бошқалардир. Ўзбекистон делегацияси составида жами 53 киши бор. Улар ишчилар, пахтакорлар, инженерлар, ижодкор интеллегенция вакилларидир. Халқаро ёшлар ҳаракатида жаҳон фестивалидек йирик, муҳим сиёсий воқеа бормикан? Гавана анжумани программасида империализмга қарши, мустақиллик ва суверенитет учун курашаётган, зулм ва монополиялар ҳукмронлигига қарши, ўз ҳуқуқи ва демократик эркинликлар учун, чуқур иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар учун курашаётган халқлар билан биргаликда бирдамлик кунларн бор.

Жаҳонда тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган намойиш вақтида ер юзининг ёш авлоди тинч планетада яхши ва ҳамкорлик вазиятида яшаш ва ижод қилиш истаклари ҳақида баёнот берадилар. Қуролланиш пойгасини тўхтатингиз! Оммавий қирғин қуролларининг янги системаларини ишлаб чиқишга барҳам беринглз! Йўқолсин нейтрон бомба! Ялпи ва умумий қуролсизланиш учун!— европаликлар ва африкаликлар, Америка ва Осиё вакиллари ана шундай талаб қилмоқдалар.

Социалистик Куба тупроғида совет ёшлари вакилларини қизғин иш, барча қитъалар чет эл вакиллари билан жуда кўп учрашувлар кутяпти. Ахир, фестиваль даврининг долзарб масалалари бўйича бир-бирларининг нуқтаи назарларини аниқлаб олиш, биргаликдаги ҳаракат программаси ишлаб чиқиш учун жуда қулай имконият туғдиради. СССР делегатлари жаҳон прогрессив ёшлари билан бир сафда туриб бирдамлик марши билан дискуссияларда қатнашадилар, совет йигит ва қизлари Гаванада XI жаҳон фестивалига кузата туриб берилган наказларни ёдда тутадилар. Унда айтилишича, фестивалда уларнинг қатнашишлари чет эллик тенгдошларга совет халқи— коммунизм бунёдкорларининг буюк бунёдкорлик жасоратини ҳис этишга, революцион ғайрат-шижоатга бутун борлиғини бағишлаган ёшликнинг, ўз ёш қайноқ қалбларини жонажон Коммунистик партия ишига, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга бағишлаган совет йигит ва қизларининг иш ва орзу ўйларини яхшироқ тушунишларига имкон беради.



САЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ!

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛИШДИ

«Тоштекстильмаш» заводининг ёш қуювчилари В. Арехин ва Н. Бекиров ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалини муносиб кутиб олишга аҳд қилиб, фестиваль очиладиган кунгача беш йилликнинг уч йили планини адо этиш мажбуриятини олган эдилар. Комсомоллар ўз ваъдаларини шараф билан адо этишди. Улар ҳар куни нормани 150— 160 процент бажаришга музаффақ бўлдилар. Заводнинг бошқа ўнлаб ёш ишчилари ҳам илғорлар ташаббуси бўйича меҳнат қилишди.

ГАВАНАГА ТЕЛЕГРАММА

Шу кунларда ТошДУ ётоқхоналарида унинг химия факультетида шодиёна ҳукм сурмоқда. Бу ерда Польша, Югославия, ГДР, Чехословакиядан келган интернационал студентлар отрядларининг жангчилари ишга киришдилар. Дарвоқе, уларнинг базилари ҳақиқатдан ҳам энди гина ишга киришди. Базилари эса масалан, совет— немис студентлари қурилиш отряди жангчиларидан студент ва ёшларнинг Гавана да бўладиган XI жаҳон фестивали очиладиган зарбдор меҳнат кунига рапорт беришди: «Химия факультетида биринчи қават ремонти муддатидан илгари тамомланди. Иккинчи қаватда деворларни суваш, панель ва полларни бўяш ишлари бошланди. Иш қизғин бормоқда».

—Сувоқчилик ва бўёқчиликни қаерда ўргандингиз?— университет қурилиш отрядининг командири Валентина Жумаева қизиқиб сўради.

—Қурилишларда, албатта,— табассум қилди Стейнер Матьяз.— ахир ўзимизнинг ватанимизда ёзги каникул пайтларида худди сизларга ўхшаб қурилиш отрядлари жангчиларининг қийинчилигини сиямизда.

Ҳозир ТошДУда 2, 3, 4-ётоқхоналар капитал ремонт қилинияпти. Химия факультетида, спорт майдончаларида 5 та интернационал отряд меҳнат қилмоқда. Чехословакия, Польша, Югославия, ГДРдан келган студентлар совет студентлари билан биргаликда ишламоқдалар. Уларнинг ишдаги жўшқинлигини кўриб дўстлик, ўзаро тушуниш қанчалик яхшилигини ҳис этасан, киши.

— Социалистик мамлакатлар қурилишларида бизнинг студентларимиз ҳам зарбдор меҳнат қилмоқдалар — дейди Совет-Польша отряди комиссари Гуля Юсупова.— Кеча биз совет студентлар қурилиш отряди жангчиларидан хат олдик. Улар Польшада ишлашяпти. Уларнинг ёзишича, бизга ўхшаб бардор меҳнат куни ўтказишибди. Ундан тушган маблағ эса студент ва ёшларнинг Гавана да бўладиган XI фестивали фондига ўтказилди. Худди ўша куни, яъни 20 июлда Яшек Цабай, Уве Фрост, Блазо Бонев, Вагнер Миляи, Биргит Вальтер ва бошқалар айниқса ўрнак бўлдилар.

Студентларнинг интернационал дўстлиги мустаҳкамланмоқда. Улар Гаванага жўнатилган телеграммада шундай деб ёзишди: «Биз студентлар қурилиш отрядига бирлашган социалистик мамлакатларнинг ёшлари университет қурилишларида меҳнат активлиги ва жипслик вазнятида ишламоқдамиз.

В. ПАНЯКШИН.

СУРАТДА: интернационал қурилиш отряди — Ўзбекистон ва Югославия студентлари ТошДУ объектлари қурилишида.

Н. Утарбеков фотоси.

ҚУРИЛИШЛАРДА ИНТИЗОМ МУСТАҲКАМЛАНСИН

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

● МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 6-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БИЛАН «ТОШПРОМСТРОЙ» ТРЕСТИ, 153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БИЛАН 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА.

6-қурилиш трестининг коллективи қатор объектлар — «Сувенир» фабрикаси, полимерлар химияси проблемалар лабораторияси, Бешқайрағоч массивидаги маиший хизмат уйи, гилам тозалаш фабрикаси ва шу сингари объектларни яхши сифат билан фойдаланишга топширди. Аммо трест бир маромда ишлаяпти деб бўлмайди. Буни олти ойлик иш якуни ҳам кўрсатиб турибди. Коллектив ўз кучи билан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш планини бажарган бўлишига қарамасдан бош пудрат бўйича қолоқликка йўл қўйди. Турар жой биноларини қуриш плани 64.4, мактабгача болалар муассасаларини қуриш плани 50 процентдан ҳам камроқ бажарилди.

Трест раҳбарлари коллектив ишидаги бу камчиликларга ёрдамчи пудратчиларни айбдор қилиб кўрсатишмоқда. Ўтган олти ой мобайнида «Ташсантехгазмонтаж» трести 131 минг сўмлик (75 процент), «Ўзэлектромонтаж» трести 79 минг сўмлик (83 процент), «Средазтепломонтаж» трести 70 минг сўмлик (29 процент), «Промвентиляция» трести 23 минг сўмлик (89 процент) маблағни ўзлаштира олмади. «Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармаси қурилиш майдонларига материаллар, шу жумладан, 19 ва 44-болалар боғчалари қурилишига металл конструкциялари ва йиғма темир-бетонларни етказиб беришни таъминлай олмаяпти.

Бу камчиликлар 6-қурилиш трести коллективининг ўз объектларидаги ёрдамчи ташкилотларнинг ишини ташкил қилишга, қурилишларни материаллар билан таъминлашга етарли даражада аҳамият бермаганлиги туфайли вужудга келди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, трестнинг ўзи ҳам бор куч билан меҳнат қилаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам трестда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича олти ойлик план уддаланмади.

Бу трест билан мусобақадош бўлган «Ташпромстрой» трестида эса янада қийин аҳвол вужудга келди. Бу ердаги беш бўлинмадан учтаси қолоқлар сафида бормоқда. Масалан, 63-қурилиш-монтаж бошқармасида бир ишчи ҳисобига иш бажариш ҳаммаси бўлиб 87.4 процентни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 57-қурилиш-монтаж бошқармасида 93,7 процентга тенг. Бош пудрат бўйича ва ўз кучлари билан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш плани бажарилмади. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча пасайиб кетди. Яъни бош пудрат бўйича 10,5, ўз кучлари билан иш бажариш бўйича 7,6 процентга камайди.

Агар худди шу коллектив янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш билан шугулланаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак ҳақиқий аҳволни тасаввур қилган бўламиз. Худди шу коллективнинг айби билан ҳозир бир неча ишга тушириладиган объектларда қурилиш графиги бузилмоқда. Шунингдек, трест турар жой биноларини бунёд этишда ҳам камчиликларга йўл қўймоқда.

Трест раҳбарлари қурилиш майдонларида тартиб ўрнатиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бўлинмаларда меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган тадбирларни амалга оширмоқдалар тўғри. Трестда яхши ишлаётган бўлинмалар ҳам бор. Улар қаторига 50-қурилиш-монтаж бош. қармаси коллективини қўшиш мумкин.

Иккинчи мусобақадош коллективлар ўртасида 153-қурилиш трести яхши натижаларга эришди. Аммо айрим сабабларга кўра ҳамон мактабгача муассасаларни бунёд қилишда қолоқликка йўл қўйиляпти. Жумладан, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Капитал қурилиш Бош бошқармаси Сегизбоев ва Фарҳод кўчаларида бунёд этиладиган 19, 20, 21-болалар боғчалари учун иш фронти очиб беришни орқага судраб келяпти, «СтройМеханизация» трести эса 11 ва 12-болалар боғчалари қурилишини бошлашни ҳали ўйлаб кўргани ҳам йўқ. Мактаблар қурилишида ҳам камчиликлар мавжуд. Бу борада «Отделстрой»нинг 32-қурилиш бошқармаси, «Ўзэлектромонтаж» трестининг Тошкент область монтаж бошқармаси, «Промвентиляция» ташкилотлари «ўзларини кўрсатиш. моқда».

Бош пудратчи камчиликларга бефарқ қараб келяпти. Айни пайтда трестнинг ўзи ҳам яхши ишлаётгани йўқ. 153-трест бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш ҳаммаси бўлиб 89,9 процентни ташкил қилди.

Ёрдамчи пудратчилар асосан ана шу ташкилотларнинг ва 4-қурилиш трести бунёдкорларининг ишига тўсқинлик қилишмоқда. Улар фақат ўзлари бор куч билан ишлаши мумкин бўлган объектлардагина 732 минг сўмлик маблағни ўзлаштира олмадилар. Айни пайтда бош пудратчи ҳам ишнинг суръатлашига шароит яратиб бермоқда. Жумладан, у ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш институтига ўз вақтида иш фронти очиб бермади.

Партия ташкилотининг секретари Ю. Ханин ўз кучлари билан иш бажариш планининг удаланмай қолганига меҳнатнинг паст савияда ташкил қилинганлиги, интизом шу кун талаби даражасида эмаслигини сабаб қилиб кўрсатди. Қурувчиларнинг сабабсиз ишга чиқмасликлари оқибатида ўтган ярим йил мобайнида 821 ишчи куни бой берилди. Натижада ишлаб чиқариш бўйича 19665 ишчи куни йўқотилди. Қўл меҳнатининг ҳиссаси ҳам катта. Хўжалик ҳисобида ишловчи бригада. ларни ташкил қилиш борасида суст иш олиб бориляпти. Бу ерда меҳнат қилаётган 44 бригададан фақат 16 тасигина хўжалик ҳисобида ишлаяпти.

1978 йил январь — июнь ойлари асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари: 6	«Ташпромстрой»	4	153
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш процентларда				
а) бош пудрат бўйича	96,0	91,2	100,3	89,6
б) ўз кучлари билан	102,8	98,9	100,0	89,0
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	91,5	89,5	125,7	66,5
б) ўз кучлари билан	96,7	92,4	98,3	93,3
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	96,6	93,7	89,9	91,2
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	102,3	101,4	96,3	96,7
Планни бажармаган бошқармалар				
а) бош пудрат бўйича	1	2	—	3
б) ўз кучлари билан	1	2	1	4
Уй-жой қурилиш планининг бажарилиши	64,6	99,2	107,9	90,6
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	—	91,0	74,2
Мактабгача болалар муассасалари қурилиш планининг бажарилиши	49,5	—	41,0	65,4
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	93,4	—	84,9	70,6
Йил бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	7	—	7	10
Ўртача баҳоси (балларда)	4	—	4	3,7
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	22	9	16	16

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, БИРДАМЛИК УЧУН

Фестиваль солномасидан

Жаҳон фестивалларн тарихи демократик ёшлар жаҳон федерацияси (ВФДМ) ва студентлар халқаро союзи (МСС) тарихи ва фаолиятн билан чамбарчас боғлангандир. Унинг тарихи 1945 йилнинг ноябрь ойидан бошланади. Уша пайтда турли йўналишдаги 200 дан зиёд ёшлар ва студентлар ташкилотлари Лондонга ёшлар жаҳон конференциясига тўпландилар.

Конференция делегатлари сафида фашизмга қарши курашда бевосита қатнашган йигит ва қизлар кўп эди. Улар жаҳонда ёшларнинг бирлигига, барча ирқ, барча миллатлар, барча диний йўналишдаги ёшларнинг бирлигига эришишга, ер юзида фашизм сарқитларини тугатишга қасамёд қилдилар. Улар жаҳон халқларн ўртасида саммий дўстлик ўрнатишга, ҳаққоний ва мустаҳкам тинчлик учун курашга, қашшоқлик ва нашсизликка барҳам беришга қасамёд қилдилар. Конференцияда 1947 йил ёзида биринчи жаҳон фестивалини ўтказишга қарор қилинди. У ўз моҳиятига кўра планетамиз ёш авлодининг прогрессив кучлари янги оммавий тадбири эди.

1947 ЙИЛ

«Ёшлар, мустаҳкам тинчлик учун курашда бирлашингиз» шиори остида ёшлар ва студентларнинг I жаҳон фестивали Прагада бўлиб ўтди. Унда 72 мамлакатдан 17 минг йигит ва қиз қатнашди.

Планетамиз ёшларининг бу биринчи анжумани Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ёш авлодининг миллий мустақиллик учун, реакцияга қарши ҳаққоний курашини қатъий қўллаб-қувватлаган ёркин намойишга айланиб кетди.

1949 ЙИЛ

Эстафетани Будапешт қабул қилиб олди. Бу ерга 82 мамлакатдан II жаҳон фестивалига қатнашгани вакилар келишди. Улар тинчликни ҳимоя қилиш, миллий мустақиллик учун курош олиб бориш, ёшлер ҳуқуқи ва халқлар бахт-саодати учун кураш олиб боришга қасамёд қилдилар.

1951 ЙИЛ

III фестиваль Берлинда ўтказилди. Бу ерда 104 мамлакатдан 26 минг киши келди. Янги уруш хавфига, реваншизмга, милитаризм ва неофашизмга қарши намойиш фестивалнинг йирик сиёсий тадбири бўлди. Унда 2 миллион немис йигит ва қизлари қатнашдилар. Беш улуғ давлат ўртасида тинчлик Пакти тузиш тўғрисида Жаҳон Тинчлик Кенгаши мурожаати остида имзо тўплаш кампанияси ёш қатнашчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

1953 ЙИЛ

IV жаҳон фестивали Бухарестда бўлиб ўтди. Унда 111 мамлакатдан 30 минг йигит ва қиз қатнашди. Кореядаги урушни тўхтатишга бағишланган улкан намойиш фестивалнинг марказий воқеаси бўлди. Корейс халқининг талабсига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган жаҳон ёшлари уни ер шарининг барча бурчакларида кенг нишонлашди.

1955 ЙИЛ

Варшавада бўлиб ўтган V фестиваль ишига халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш катта таъсир кўрсатди. 500 дан зиёд миллий ва ёшлар ташкилотлари вакиллари номидан 114 мамлакатдан келган 31 минг делегат Хиросиманинг ваҳшиёна бомбардимон қилингганлигининг 10 йиллигига бағишланган митингда яқдиллик билан шундай баёнот бердилар.

«Биз атом ва водород қуролларини тақиқлашни талаб қиламиз. Биз тинчлик истаймиз. Барча халқларнинг қуролсизланиш, тинч ҳамкорлик қилиш ва халқлар фаровонлиги ва бахт-саодати учун инсоният тафаккурининг доҳиёна кашфиётидан тинч мақсадларда ҳамкорлик қилиш ва фойдаланишларини истаймиз». Фестивалда биринчи марта 25 Европа мамлакати ёшлари вакиллари учрашдилар. Унда қитъада қолган мустамлакатдаги миллатли мамлакатимиз барча халқларининг экономикаси, маданияти ва фаровонлиги гуллаб-яшнагани, бизнинг ёшларимиз учун меҳнат қилиш, дам олиш, жамоат ишларида қатнашиш, давлатни бошқариш учун жуда катта имкониятлар яратиб берилгани тўғрисида чуқур таассурот олиш имконини берди.

1957 ЙИЛ

Москва VI жаҳон фестивали делегатларни қабул қилди. Фестиваль аввалги ёшлар анжуманларига нисбатан бениҳоя улкан бўлди. Унда 131 мамлакатдан 34 минг киши қатнашди. Мингдан зиёд миллий ёшлар, студентлар, маданий, спорт, профессионал ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

«Тинчлик ва дўстлик учун» шиори остида ўтган фестиваль мобайнида миллий делегациялар аъзоларининг 500 га яқин учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда ёшлар халқаро ҳаракатининг актуал масалалари муҳокама этилди.

Ватанимиз пойтахтига шунингдек жаҳон кўпгина мамлакатларининг 450 нафар таниқли жамоат арбоблари, олимлар, санъат вакиллари келишди.

Москва анжуманн халқаро демократик ёшлар ҳаракатида муҳим воқеа бўлди. У минглаб чет эллик тенгдошларга совет халқи улкан муваффақиятлари билан таништиш, социалистик тузумнинг ҳақиқий халқчил моҳияти тўғрисида, бизнинг кўп миллатли давлатимиз барқарорлиги ва ривожланиши тўғрисида ёрқин тасаввур берди.

1959 ЙИЛ

VII фестиваль (112 мамлакатдан 18 минг делегат) Венада бўлиб ўтди. Фестиваль ҳаракатининг рақиблари аввалги ёшлар жаҳон анжуманларининг муваффақиятларини социалистик мамлакатларда ўтказилганига боғлашга уринишдилар. VII жаҳон фестивали якунлари шуни яна бир марта ёркин тасдиқладики, фестивалларнинг муваффақият омиллари уларнинг юксак инсонпарварлик мақсади — халқларнинг тинчлик учун, дўстлик ва бирдамлик учун курашидир.

Фестивалда миллий-озодлик ҳаракати масаласи, атом қуролига қарши, қуролсизланиш ва тинч-тотув яшаш учун кураш масалалари муҳокама этилди.

1962 ЙИЛ

Навбатдаги ёшлар ва студентларнинг VIII жаҳон фестивали Хельсинкида бўлиб ўтди. Унда 137 мамлакатдан 18 минг йигит ва қиз қатнашди. Унда Венадагига нисбатан 300 та кўп, яъни 1500 турли ташкилотлардан вакиллар катнашишди. У барча тинчликсевар ёшлар, планетамиз демократик кучларининг катта муваффақияти бўлди. Фестивалда биринчи марта Осиё, Африка ва Лотин Америка ёшлари демократик ва антиимпериалистик ҳаракатнинг қудратли, обрўйли ва ваниқ мақсадга интилган қисми эканлигини бутун тўлалигича намсён бўлди. Фестивалнинг энг йирик воқеаларидан бири тинчлик ва миллий мустақиллик масалалари бўйича ёшлар ташкилотлари раҳбарларининг коллоквиуми бўлди.

1968 ЙИЛ

Софияда бўлиб ўтган IX жаҳон фестивалига тайёргарлик даврида фестивалларнинг аввалги «Тинчлик ва дўстлик учун» шиори «Бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» деган янги мазмун билан бойитилди. Африка ва араб ёшлар ташкилотлари вакиллари IX фестиваль халқаро тайёргарлик аъзолари шу масала юзасидан баёнот берди:

«Фестиваль идеалларига янада конкретроқ — «бирдамлик» мазмуни берилди. Бугун аввал бўлганидек бирдамлик империализмга қарши зарур ва кучли қурол ҳисобланади. Бу шиор IX жаҳон фестивалига Болгария пойтахтида 138 мамлакатнинг 20 минг йигит ва қизини тўплади. Фестиваль МФДМ ўтказаётган «Вьетнам халқининг ғалабаси учун, озодлик, мустақиллик ва тинчлик учун» жаҳон кампаниясн доирасида демократик ёшлар кучларининг энг йирик халқаро тадбирига айланди.

IX фестиваль аввалгиларидек ўзининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятига кўра ёшлар тадбири доирасидан чиқди. У ер юзи тинчликсевар кучларининг оммавий намойишига айланди, тинчлик ва тараққиёт учун курашнинг муҳим босқичи бўлди.

1973 ЙИЛ

Юбилей фестивали, ёшлар ва студентларнинг X жаҳон фестивали ГДР пойтахти Берлинда 28 июлдан 5 августгача бўлиб ўтди. У «Империализмга қарши, бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» шиори остида ўтди. Фестиваль шиорининг ўзгарганлиги «Ёшлик империализми фош этади» жаҳон кампанияси босқичининг марказий тадбири сифатида фестиваль ролини акс эттиради. Фестивалда 140 дан зиёд мамлакатдан 20 минг делегат ва 5 мингга яқин ёш туристлар келишди.

Фестиваль программаси анча кенг эди. Даврнинг турли актуал проблемалари, курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик, Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатлар халқлари билан бирдамлик, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси миллий-озодлик ҳаракатлари билан, Испания, Греция ва Португалия фашист диктаторларига қарши курашчилар билан, Исроил агрессиясига қарши араб мамлакатлари халқларининг кураши билан ва Европада хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик учун ҳаракат билан бирдамлик ва бошқа бир қатор масалаларга бағишлаб 1500 дан зиёд тадбир ўтказилди.

X фестивалда биринчи марта «Ёшлик империализмни фош этади» шиори остида ёшларнинг империализмга қарши митинг-трибунали ўтказилди.

Ёш ишчилар колхозчилар, студент, ижодкор интеллигенция вакиллари, СССР ташкил топганининг 50 йиллигига бағишланган совет ёшлари делегацияси фестивалнинг барча тадбирларида фоят фаол қатнашдилар.

Материални тайёрловчи: Р. ОРТИҚБОЕВ,

Берлиндаги ёшлар ва студентларнинг X жаҳон фестивали қатнашчиси.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

«Главташпас с а в т отрансга қарашли 18-автопаркнинг ёш ҳайдовчилари ўртасида Гаванада бўладиган ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивали шарафига бағишланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. 20 дан зиёд комсомол-ёшлар экипажи бу мусобақага қўшилди. Б. Маҳмудов хизмат қилаётган 3-маршрут экипажи энг яхши муваффақиятга эришди. Комсомоллар июль ойи топшириғини фестиваль очиладиган кунгача 110 процент қилиб адо этдилар ва 26 минг йўловчи ташидилар. Б. Аюпов, Р. Темиргалиев сингари комсомоллар хизмат қилаётган 64-маршрут экипажи ҳам улар изидан бормоқда. Ярим йиллик топшириқни 112 процент қилиб адо этишди. Ойлик топшириқ эса барвақт 110 процент қилиб бажарилди. Бошқа комсомол-ёшлар экипажлари ҳам юксак муваффақиятларга эришганликлари тўғрисида рапорт бериб, илғорларга тенглашмоқдалар.**

Ёзувчилар ёшлар анжумани тўғрисида

Собир Раҳимов номли боғда ёзувчиларнинг район ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Уларнинг ҳузурига ёзувчилар Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Сафар Барноев ҳамда таниқли ўзбек адабиётчилари келдилар. Улар ёшгилганларга Озодлик оролида очилган ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали ҳақида, республикамиз ёшлари бу байрамни қандай меҳнат муваффақиятлар билан кутиб олганликлари ҳақида, мазкур анжуманда иштирок этиш учун жўнаб кетган Ўзбекистон делегацияси ҳақида ҳикоя қилиб беришлар. Делегация составида беш йигилганларга Озодлик оролида очилган ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали ҳақида, республикамиз вакиллари Гаванада ўз тенгқурларига Ўзбекистонда фан, техника ва спортнинг ривожланаётгани ҳақида, комсомол ва ёшларнинг ер юзида тинчлик учун кураш ҳаракатида қандай иштирок этаётганлиги ҳақида гапириб берадилар.

Учрашув охирида шоир ва ёзувчилар дўстлик, тинчлик, комсомолга бағишланган ўз асарларини ўқиб бердилар.



Коммунист Антонина Смишчук бир неча йил илгари қариялик гаштини суриш учун кузатилган эди. Аммо унинг ишга ўрганган қадоқ қўллари тинч туролмади. У яна қадрдон даргоҳига, ўз станоги ёнига қайтди. Ҳозир у аввалгидек меҳнат қилиб, смена топшириқларини 115 процентдан ортиқ адо этяпти.

СУРАТДА: каноп фабрикасининг ўровчиси А. Смишчук.

Р. Загратдинов фотоси.

КОММУНИСТ УЙЛАРИ

ТАШАББУС ИЗИДАН

СССР янги Конституцияси бир йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш ташаббуси комбинатимиз цех, участка ва бригадаларида кенг тус олиб кетди. Комбинатимизнинг машъаллари моҳир тўқувчи Нина Васильевна Ершова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лидия Павловна Казанцева, Буолма Жўраева ва бошқалар ёпларга ҳақиқий меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Масалан, Нина Васильевна шу йилнинг иккинчи кварталидан буён типовой нормадаги 24 станок ўрнига 56 станокка хизмат кўрсатяпти. Бу албатта, осон эмас эди. Аммо, тажрибали тўқувчи станокка танда қўйиб ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланяпти, ип узилиши ҳам аввалгига нисбатан кескин камайди.

Биз, ёшлар, илғорлардан намуна олиб, эскича иш усулларидан воз кечяпмиз. Уларнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, ёш коммунистлардан Дилбар Қулматова, Люба Хегай, К. Ананьева сингари кўплаб ёшлар ишлаб чиқаришда мураббийларга тенглашишга интилмоқдалар. Бу борада қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Тенгдошларимиз ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги резервларини излаб топмоқдалар. Бу борада юқорида айтганимиздек, илғорлар тажрибаси қўл келмоқда. Масалан, дугонам Дилбар Қулматова ёш кўп станокчилардан бири. У ўз хизмат кўрсатиш зонасини икки бараварга кенгайтирди. Ҳозир 48 станокка хизмат қилиб, нормани анча ортиғи билан адо этяпти. Мен ҳам барча маҳсулотларни биринчи сортга тайёрлашда кўнгилдагидек ютуқларга эришяпман.

Партия ва ҳукуматимиз биз, ишчиларга барча шарт-шароитларни яратиб берган. Энг янги ускуналар билан жиҳозланган цех ва участкаларда маҳсулотлар сифатини янада оширишнинг жуда катта имконияти бор. Биз, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг беш йиллигининг учинчи йилида социалистик мусобақани авж олдириш ҳақидаги мактуби асосида тузилган комплекс тадбирлар планини изчил амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшяпмиз.

З. ҲАЙДАРОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинати коммунистик меҳнат зарбдори.



Николай Цимбал Тошкент абразив комбинатининг моҳир пайвандчиси. Корхонада анчадан буён баранали меҳнат қилаётган, смена-ойлик нормаларини 130—140 процент бажараётган бу ишлаб чиқариш новатори ўз ҳалол меҳнати билан кўпларга намуна бўлмоқда.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. РАҲИМОВ: Ҳурматли редакция! Кўпчилик ҳолларда биз транспортнинг олдинги эшигидан ёш-болаларнинг чиқишининг гувоҳи бўламиз. Бу тўғри эмас, албатта. Шу ўринда мен транспортнинг олдинги эшигидан киришга кимларга рухсат берилганлигини билишни истар эдим.

Жавоб: Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария Қоидаларида бу нарса аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, транспортнинг олдинги эшигидан фақат қўйидагиларгагина: катта ёшдагилар ҳамроҳлигида бўлган мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилик билетларини кўрсатган бешинчи синфгача бўлган ўқувчилар, ҳомиладор аёллар, инвалидлар ҳамда уларга ҳамроҳ бўлган кишилар, шунингдек, қарияларнинг чиқишига рухсат берилади. Ёш-болаларнинг транспортларнинг олдинги эшигидан кириши албатта белгиланган қоидага зиддир.

* * *

М. ҒАФУРОВ: Тошкентда мебелларни ремонт қиладиган комбинат бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Гапингиз тўғри. Чиндан ҳам шаҳримизда аҳолидан мебелларни ремонт қилишга қабул этадиган комбинат бор. 48-35-26 рақамли телефонга қўнғироқ қилсангиз, бу масалада тўла маълумотга эга бўласиз.

* * *

Ғ. НАЗАРОВ: Шаҳримизда портфель ва сумкаларни ремонт қиладиган устахоналар борми?

Жавоб: Бундай устахоналар бор. Улар шаҳримиздаги марказий бозорларда жойлашган. Бундан ташқари 1 Май кўчаси ва Ленин проспектидаги маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчасида ҳам шундай устахоналар мавжуд. Бу устахоналарга топширилган портфель ва сумкалар икки кун мобайнида ремонт қилиб берилади.

* * *

С. ҚОРАБОЕВ: Бизга музика асбобларини ремонт қиладиган ва уларни созлайдиган устахона адреси керак эди. Илтимосимизни бажо келтирсангиз.

Жавоб: Весна кўчаси, 223-уйда жойлашган «Техсложбытприбор» бирлашмаси ва унинг шаҳримиз районларидаги филиаллари музика асбобларини ремонт қилиш ва созлаш билан шуғулланади. Бу хусусда 91-08-84 рақамли телефонга қўнғироқ қилсангиз ҳам бўлади.

КУЧА ТАБДИЛАРГА ТУЛА ГАИ АХБОРОТИ

Электромеханика алоқа институтида ҳайдовчи бўлиб ишлаётган Пирмат Шерматов йўл ҳаракати қоидаларини қўпол бузаётганлигини жуда яхши биларди. Маст ҳолда ВАЗ—2102 маркали 49—75 ТШН номерли автомобилнинг рулига ўтирди. Кейин аниқланишича йўл назоратчи инспектори Шерматовга «дўқ» қилмаган, балки аксинча. Бу ҳайдовчи Жаҳон Обидова кўчасида қарши томондан келаётган транспорт йўлига чиққан ва Е. Коваженко бошқариб келаётган ВАЗ—21011 маркали 27—76 ТНР номерли енгил автомобиль билан тўқнашган. Пачоқланган иккала автомобилни тузатиш Шерматовнинг зиммасига юклатилди. Бундан ташқари у Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссияси томонидан автомобиль ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми ХАТЛАР

◆ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА
◆ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛЛИК ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА
◆ ОҚШОМХОНЛАР ТАШАККУРИ.
◆ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

МАҲАЛЛАДАН ХАТ

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Маҳаччқалада тилшуносларнинг инженер ва амалий лингвистика масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий анжумани бўлиб ўтди. Унда Маҳаччқалъа, Москва, Ленинград, Тошкент, Минск, Киев, Олмаота, Боку, Тбилиси, Магадан, Львов, Кишинёв ва бошқа шаҳарлардан лингвистлар, математиклар, техниклар, программистлар ва инженерлар қатнашдилар.

Анжуманда турли тиллар текстларини илмий-лингвистик анализ қилишда электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш проблемалари бўйича юзга яқин доклад ва ахборотлар тингланди ва муҳокама қилинди. Айниқса, иттифоқ миқёсидаги «Нутқ статистикаси» группасининг бошлиғи, Ленинград Давлат педагогика институти инженер лингвистика лабораториясининг мудири, профессор Р. Г. Пиотровскийнинг «Лингвистик автоматлар ва инженер лингвистика», москвалик олим, техника фанлари доктори Д. А. Поспеловнинг «Тилда сунъий интеллект системасида замон ва макон», магаданлик олим В. Е. Берзоннинг «Текст лингвистикаси», минсклик олим А. В. Зубовнинг «Лингвистик маълумотлар банки информациясининг автоматик корректировкаси», москвалик ёзувчи ва олим А. М. Кондратовнинг «Инженер лингвистика ва буддология» мавзуидаги докладлари актуаллиги, қизиқарли факт ва материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди.

Илмий анжуман охирида турли тилларда автоматик машина таржимаси намуналари намойиш қилинди.

С. РИЗАЕВ,
доцент.

ҚОВЖИРАГАН НИҲОЛЛАР

Сапёрная кўчасидаги 17-уй ёнидан ўтган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Негаки, бир вақтлар катта меҳнат эвазига ўтказилган ниҳоллар сувсизликдан қуриб, қовжираб ётибди. Дарахтларнинг ораларида ҳар хил ўт-ўланлар ўсиб ётибди. Уй атрофидаги ниҳолларни парвариш қилиш тўғрисида ҳеч ким ғамхўрлик қилмаяпти. Ахир ўт-ўланлар юлиб ташланиб, кўчатларни суғориш тўғрисида ўйлаб кўрилганда шу уй атрофи янада обод бўлмасмиди?

Фрунзе район ободонлаштириш бошқармасининг раҳбарлари қуриб қолаётган кўчатларга эътибор беришлари зарур.

У. ИНОМОВ,
студент.

ГАСТРОЛЬ ВА ОТАЛИҚ

Театр ва ҳаёт

Ёз фасли ҳар бир ижодий коллектив учун ўзига хос қизғин меҳнат ва санъат палласи бўлади. Бу пайтда одатда йирик театрлар гастроль сафарига бориб, томошабинлар билан қизғин учрашувлар ўтказади. Мақсад республиканинг бепоён далаларида меҳнат қилаётган деҳқонларга маданий хизмат кўрсатишдир.

Муқимий номли мусиқали драма театри коллективининг шу кунларда ниҳоясига етказаётган гастролдан ана шу мақсад кўзда тутилган. Театр коллективини Бухоро, Самарқанд, Қаттақўрғон томошабинлари самимий кутиб олдилар. Қарийб бир ой давом этаётган бу гастролда томошабинлар театр репертуаридаги энг сара асарлар «Тошболта ошиқ», «Олифта», «Гулбаҳор қани» асарларини қизиқиб кўрдилар. Гастроль охири колхоз ва совхозларда томошабинлар кенг давраси учун аталган концертлар билан ўтмоқда. Санъат даргоҳининг талантли ва таниқли артистларидан Г. Хўжаев, Т. Жаъфарова, М. Ғафуров, Э. Жалилова, Ф. Раҳматова, республикада хизмат кўрсатган артистлар А. Абдураҳмонов, С. Пўлатов, Н. Пўлатова, М. Юнусов, А. Юсупов ва бошқалар ўзларининг ижрочилик маҳорати билан томошабинлар олқишига сазовор бўлишмоқда.

Республикамизнинг бу кекса театри коллективи ўзининг бой ижодий маҳорати билан янги саҳна асарлари яратиш, гастролларга чиқиш билан бирлар орасида Янгийўл районидаги маданият уйининг халқ театрини оталиққа олинганлиги диққатга сазовор. Бу ҳаваскорлик театри учун керак бўладиган барча декорациялар, костюмлар, саҳна ускуналари етказиб берилмоқда. Энг мулиб, уларнинг ҳаваскорлик коллективларига маданий ва оммавий тадбирларни ўтказишда яқиндан амалий ёрдам берилмоқда. Театр коллективининг бу йилги тадбирларида саноат корхоналари, айрим колхоз ва совхозлар, ўқув юртлари учун камида 50 та оталиқ концерти бериш белгиланган эди. Бу тадбир асосан бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июль Пленуми ижодий коллектив олдига яна қатор масъулиятли вазифаларни қўйди. Тарихий пленум қарорларига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш янада жонлантирилади. Бундан ташқари йил охирига қадар томошабинлар диққатига бир қатор янги саҳна асарларини ҳавола этиш мўлжалланмоқда. Драматург Ҳамид Ғуломнинг «Вафодорлар», Ч. Айтматовнинг «Қизил дуррача-ли сарвиниҳолим», Х. Шариповнинг «Чоллар» асарлари устида ишланмоқда. Бундан ташқари С. Абдулланинг «Муқимий» асари ҳам қайта саҳналаштирилади.

М. РАҲИМОВА,
Ўзбекистон ССР театр жамиятининг ходими, театршунос.

⊙ КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ОМОНАТ СИМЁҒОЧ

Ҳамза районидаги биз истиқомат қилаётган 2-Ховос проездида электр симлари омонат симёғочлар ва қуриган дарахтларга боғланган. Симёғочлар қаровсизликдан қийшайиб, симлар ерга теккудек бўлиб, осилиб ётибди. Бу ҳақда Ҳамза район электр тармоқлари корхонаси ходимларига айтаверибқарчадик. Аммо улар ҳалигача бу ҳақда ташвиш қилишмаяпти.

Агар тез орада бу кўчадаги электр линияси ремонт қилиниб, мустаҳкам симёғочларга боғланмаса, бирон кўнгилсиз ҳол бўлиши турган гап. Балки бу масалада шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари йўлаб кўришар.

2-Ховос проездида турувчи аҳоли номидан:
М. СОДИҚОВ.

Лўқма

ДИЛОЗОР ҲАЙДОВЧИ

22 июль — шанба куни айни туш пайти эди. Биз шаҳарнинг катта магистрал кўчаларидан бирида автобус кутиб турардик. Бир пайт қаршимизга такси келиб тўхтади. Ялангбош, қиртишлаб сочи олинган 25—26 ёшлар атрофидаги ҳайдовчи, қаерга дегандай бизларга қаради. Борадиган жойимизни айтиб, машинага ўтирдик.

Зум ўтмай Генерал Узоков кўчаси бўйлаб, Ипакчи кўчасига кириб келдик. Ҳамроҳимиз— меҳмон аёл бизларга йўл бошловчи бўлгани учун шофер йигитга узрли оҳангда гап қотди:

— Бизлар бораётган ҳовли эгаси бу маҳаллага яқинда кўчиб келишган. Учиккандай, беришган адресини уйда қолдирибман. Лекин, кўчаси аниқ мана шу! Бир дам тўхтаб юборинг, анаву кишилардан Исломхўжаевлар ҳовлисини сўраб олай!

Шофер аёлга ҳўмрайиб бир қараб қўйди-да, атайин қилдими, анча нарига бориб тормоз берди.

Орадан бир дақиқа ўтмай, мен кетаман, адресни аниқ билиб, кейин таксига ўтиришим керак эди, обед қилишим керак, деб машинага газ бера бошлади.

— Оғайни, бир минут сабр қилинг, бизки биз қидираётган ҳовли кўчанинг нариги бошидадир. Бизларни ярим йўлда қолдирмай, шундоқ йўлйўлакай ташлаб кетинг!— деб илтимос қилдик-да, бизлар ҳам пастга тушдик.

Шу пайт кутилмаганда:

— Ёлғон-да, энди! Сен нега ўтирибсан, тур!— деган қўпол нўписадан ҳайрон бўлиб, ичкарига қарадик-у, орқа ўриндиқда қолган ҳамроҳимизга ҳезланиб турган шоферни кўрдик.

Ҳамроҳимиз босиқкина, сабрли йигит эди. Индамай ёнидан уч сўм чиқариб, ҳайдовчига берди.

Таксичи йигит, мана қайтими, дегандай орқага бир сўм узатди-да, машинани ўт олдирди. Шунда ҳамроҳимиз бир оз ранжигандай унга деди:

— Оғайни, саксон тийин ўрнига икки сўм оласизми? Қайтимини беринг! Бунақада...

«Қайтим» сўзини эшитиб, шоферимиз афти бужмайди. силтаниб ёнини кавлаб икки-учта чақа чиқариб шеригимиз томон отди ва овозини баралла қўйиб:

— Қўлингдан нима келарди, «бунақада» дейсан! Ишонган одамимиз борлигидан «шунақа» қилиб юрибмиз-да! — деди-да, кутилмаганда газни босди. Машина ўқдай учиб, 10—15 қадамгача ерга бориб таққа тўхтади. Орқа эшик қаттиқ ёпилиб энди тушмоқчи бўлиб турган шеригимизнинг боши аралаш тиззасига тарақлаб урилди.

Атрофдан «ҳой номард!», «бу қандай безори шофер экан» деган овозлар эшитилди. Бизлар ҳай-ҳайлаб таксига машинаси олдига чопиб келгунимизча шофер яна газни босди. Очилиб кетган орқа эшикдан шеригимиз думалаб, асфальт йўл четидаги ажриқ ўтлар устига учиб тушди.

Бизлар жабрдийда ҳамроҳимиз билан овора бўлиб қолганда, ҳаддидан ошган безори машинани ўқдай учириб кетди. Шофернинг такси ичига қўйилган гувоҳномасидан бизга унинг исм-фамилияси Усмонов Мирқодир эканлиги маълум!

Хўш, виждонан хизмат бурчини ўташ ўрнига, беҳаёларча мижозларнинг ҳам чўнтагидан уриб, ҳам ҳақоратлаб юрган бу жиззахи дилозорга шаҳар «Главташпассавтотранс» бошқармасидагилар қандай чора кўришаркин?

Д. НУРИДДИНОВ,
Т. САЪДУЛЛАЕВ,
йўловчилар.



«Компрессор» заводининг машинасозлари халқ хўжалиги учун ПР — 10М, ПР— 6 ва РКВН—6 маркали компрессор агрегатларини кўплаб ишлаб чиқармоқда. Корхона маҳсулотларига талаб йил сайин ортиб боряпти.

СУРАТДА: темир йўл платформаларига ортилаётган ПР—10М маркали компрессор машиналари.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Трамвай-троллейбус бошқармасига яқинда 10 та янги троллейбус келтирилди. Бу транспортлар Чилонзор район механикаштларига хизмат кўрсата бошлади. Йўловчилар учун янада қулайлик туғдириш мақсадида ярим йил мобайнида 600 трамвай ва троллейбус вагонларида билетларни тешадиган 1700 компостер ўрнатилди. Бундан ташқари йўловчилар кўп бўладиган вақтда 60 та трамвайга яна қўшимча вагонлар уланадиган бўлинди. Йил охирига бориб қўшимча вагонлар сони 90 тага етказилади.

Трамвай линияларини янада узайтириш ва янги трамвай маршрутларини очиш борасида ҳам бир қанча ишлар қилинмоқда. Ҳозир Бешқайрағоч массивидан Чилонзорнинг 26-кварталига қатнайдиган янги трамвай линияси қурилиши киҳоясига етказилмоқда. 1979 йилда ишга тушириладиган бу объект Фарҳод кўчаси бўйлаб Собир Раҳимов номли метро станцияси ва Гавҳар кўчаси орқали 26-кварталга боради. Бундан ташқари Ғафур Ғулом кўчасида янги 250 вагонга мўлжалланган трамвай депоси қурилиши бошлаб юборилди. Шунингдек, Беруний проспекти орқали Профессорлар шаҳарчасига қатнайдиган трамвай изларини ётказиш ишларининг ярмиси бажарилиб бўлинди.

Ф. РАҲИМОВ.

... ТАКЛИФ ЭТАДИ ...

ҚОПҚОҒИ ЙЎҚ ҚУДУҚ

5 июль куни Пролетар кўчасидаги А. Гайдар номли болалар кутубхонаси ёнидан ўтаётиб қаттиқ тарақлаган овоздан чўчиб тушдим. Маълум бўлишича, кўчадан елиб келаётган енгил машина ғилдираги қопқоқсиз водопровод қудуғига тушиб кетибди. Пролетар ва Чехов кўчалари кесишган жойидаги чорраҳада, Санъат музейи ёнидаги 124-газета киоскаси олдида. Шевченко кўчасининг УзНИИГаз институти ёнида бундай қопқоқсиз водопровод қудуқлари йўловчилар ва транспорт ҳаракати хавфсизлигига раҳна соляпти.

Яқинда 29-80 ТНК номерли «Москвич» машинаси вокзал ёнида Пролетар кўчаси муюлишида водопровод чуқурига тушиб шикастланди. Кўпчилик бўлиб уни чиқариб олишди. Шунисн ажабланарлики, кўпчилик водопровод қудуқлари қопқоқсиз, транспорт ҳаракати учун хавфли бўлса, бошқа бир қудуқлар эса кўча сатҳидан анча паст. Бу ҳам транспорт ҳаракатида ноқулайлик туғдиради.

«Водоканал» трести раҳбарлари пойтахтимиздаги минг-минглаб водопровод қудуқларидаги бундай нуқсонларни тузатишга аҳамият берса айни муддао бўлур эди.

М. ҲАКИМОВ,
ишчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ДАРАКСИЗ ПОЧТАЛЬОНЛАР

Киров районидаги Сизаранская кўчасига хизмат кўрсатувчи 39-алоқа бўлими почтальонлари кунлик газета ва журналларни ҳар замонда бир олиб келадиган қилиб чиқаришди. Бу тўғрида бир неча бор алоқа бўлими ходимларига мурожаат этдик. Улардан нуқул ўтган кунларнинг газетасини нима қиласиз, бугунгини сўрамайсизми, деган жавобни олдимиз.

Хўш, бу аҳвол қачонгача давом этади? Балки бунга шаҳар почта алоқалари ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари жавоб беришар.

Аҳоли номидан:
Т. САИДХЎЖАЕВА,
ишчи.

МУОМАЛАДА ГАП КЎП

Ўша куни газеталарда лотереянинг тиражи чиққан эди. Фароғат ярталаб болаларини боғчага олиб кетаётганида Бешқайрағоч массивининг Киров маҳалласи аҳолисига хизмат қиладиган «Союзпечать» дўконига борди. Навбати етиб келганида газета сўради.

— Менга иккита газета беринг!

— Балки ўнта керакдир! — деди дўконда ўтирган киши ўдағайлаб. — Маҳаллада минглаб одам яшаса, ҳаммасига иккитадан газетани қаердан топиб бераман!

Фароғат болаларининг олдида жуда мулзам бўлди.

— Шуни секинроқ тушунтирсангиз ҳам бўлади-ку.

Сотувчи баттар баланд келди.

— Сенлар тўғри гапга тушунармидинг! Бор, аравангни торт!

Шундай қилиб, Фароғат «аравасини тортиб» болаларини шу яқиндаги 393-боғчага олиб кетди. Аммо кечгача асаби қақшаб юрди. «Мен ўзим ҳам кўпчиликка хизмат қиламан: почтада ишлайман.— деб ёзибди Зиё Саид кўчасининг 256-уйида истиқомат қилувчи Фароғат Умарова.— Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқишини биламан. Наҳотки бир одамнинг қўполлиги иккинчи бир кишини кун бўйи музлам қилиб юрса. Кўпчилик билан муомала қиладиган одам шунақа бўладими?».

Бу гапда ҳақиқат бор. Албатта, сотувчи ўз исм-фамилиясини айтмаган. Аммо Бешқайрағоч массивининг Киров маҳалласида, 393-боғча яқинида жойлашган газета дўконидаги қўпол амакига Акмал Икромов райони «Союзпечать»и раҳбарлари танбеҳ бериб қўйишса ёмон бўлмайди.

«ОБИ НОН МАҲАЛЛАДА БЎЛАДИ»

Нон дўконида одам сийрак эди. Ислом ака дўконга кириб қувонди. Турли булка нонлар, булочкалар бор эди. Фақат оби нон йўқ эди.

— Икки ойчадан буён оби нон келмаяпти, ми?— сўради у сотувчидан.

— Ҳа, бундан кейин ҳам келмайди! — деди сотувчи негадир асабийлашиб.

— Нега?

— Нега деганда бу ер маҳалла эмас, квартал!

Ислом ака ҳайрон қолди. Сотувчининг гапини қандай тушуниш мумкин? Нега энди оби нон маҳаллада бўлиши керагу, бошқа жойда бўлмаслиги керак? У шуни сотувчидан сўради.

— Оби нон егингиз келса маҳаллага кўчиб кетинг.

Бу кўнгилсиз гапсўзлар Чилонзор район 17-кварталга жойлашган 9-нон дўконида бўлиб ўтди. Сотувчининг аҳоли талабини ҳисобга олиш ўрнига бундай «оқил» хулосага келгани кишини ажаблантиради.

«Балки бу ерда оби нон кўп истеъмол, лекин аҳоли талабига мос даражада шунақа нондан олиб келиш мумкин-ку», деб ёзибди 17-квартал 1-уйда истиқомат қилувчи Н. Иброҳимов.

Дўконга оби нон олиб келиш мумкин эмас, олиб келиш шарт. Сотувчининг боялдақа гапи эса унинг маданиятсизлигидан, ўз ишига совуққонлик билан қарашидан дарак беради. «Ташхлеб» бошқармасидаги раҳбарлар бундай тили бурро сотувчининг қулоғидан чўзиб қўйишса ёмон бўлмайди.

СЕРШОВҚИН ГУЗАР

Акмал Икромов районидаги Янгиобод маҳалласининг «Бирлик» гузари гавжум жойлардан. Албатта, маҳалла гузари гавжум бўлади. Лекин обод гузар бошқача, сершовқин гузар бошқача бўларкан.

Эрталабдан бу ерда шовқин-сурон бошланади. 18-автопарк-нинг диспетчерлик пункти худди шу ерга жойлашган. Бир маҳал қарасангиз автобуслар турна қатор йиғилиб кетади. Йўловчилар ўтадиган йўлканинг ўзи йўқ. Шовқин-сурон бошланади.

— Пўшт соғин банд қилма! Бу ерда мен моторимнинг мойини алмаштираман.

— Бекор айтибсан! Бойдан буён аканг қарағай бензин кутиб турибди.

Чиндан ҳам орадан кўп ўтмай бензин машинаси келиб қолади. Шовқин-суроннинг каттаси ана шунда бошланади. Машиналардан оққан мойлар, бензин ҳиди, музқаймоқ сотувчининг бақир-чақириғи, морс ичишга навбат кутиб турганларнинг шовқин-сурони ҳаммаси қўшилиб қулоқни қоматга келтиради. Кечгача шу аҳвол давом этади. Кечқурунлари эса бирланига зулмат чўкади. Негаки Бирлик гузаридаги симёғочларда лампочканинг ўзи йўқ. Маҳалла аҳли ҳеч бўлмаса бензин қуйилган машинани нарироққа олиш, маҳалла гузарини тартибга солишда ёрдам бериш учун район ижроия комитетига мурожаат қилишган эди. Аҳвол ўзгарган йўқ. «Ёрдам сўраб яна бир марта мурожаат қиляпмиз». деб ёзибди Абдуллаев кўчаси, 94-уйда истиқомат қилувчи Марат Турғунов.

Газетхоннинг талаби тўғри. Бу иш билан шуғулланиш керакка ўхшайди.

ҲУШЁРБЕК.

Ҳамкуласиз, куясиз

☆ РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

РАҲМАТ АЙТИШМОҚДА

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги «Ленинчи» маҳалласида истиқомат қилувчи 400 дан зиёд хонадон бир неча йиллардан бери сув таъминотидан жуда қийналиб келар эди. Айниқса, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида водопровод кранларида тез-тез сув бўлмай қолар, бу нарса аҳолини жуда ҳам ранжитар эди. Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, шу маҳалла территориясида 199-болалар боғчаси бўлиб, бу боғча ҳам сув таъминоти масаласида қийналиб келар эди. Эндиликда ана шу қийинчиликларга чек қўйилди. Маҳалла аҳли шу кунларда водопровод кранларидан сувларнинг шарқираб тушаётганидан ва унинг мўлқўллигидан жуда мамнун.

«Ленинчи» маҳалла комитети активлари сув масаласидаги мавжуд аҳволдан «Водоканал» трести раҳбарларини хабардор қилишлари биланоқ, зудлик билан тегишли тадбирлар белгиланди. Шу трестнинг ремонт-қурилиш бошқармаси (бошлиғи В. И. Симонович) ишчилари жадал суръат билан иш бошлаб юборишди. Эски водопровод қувурлари ўрнига диаметри катта бўлган янги қувурлар ётқизилди. Бу масалада «Водоканал» трести бошқарувчисининг ўринбосари Ғ. Мажидов, шаҳар сув тармоқлари бошқармасининг бошлиғи М. Раҳимов, бошқарма бошлиғи ўринбосари А. Шоҳалимов, бош инженери В. Орлуханов Собир Раҳимов ва Октябрь районлари сувдан фойдаланиш пункти бошлиғи Н. Носиров ўртоқлар жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли маҳалла аҳолиси сув таъминотидан баҳраманд бўлмоқда.

Биз маҳалла аҳлининг истак ва талабларини инобатга олиб, уларни сув билан таъминлашда жонбозлик кўрсатган шу ўртоқларга ва ремонт қуриш бошқармасининг қўли гул ишчиларига чин дилдан ташаккур билдирамиз.

Собир Раҳимов районидаги «Ленинчи» маҳалла аҳолиси номидан:

А. КАРИМЖОНОВ,
химия фанлари кандидати.

Т. МАҲАМАТОВ,
чинни заводининг инженери.

З Тошкент оқшоми

28 ИЮЛЬ, 1978 й.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ МАРКСИЗМ—ЛЕНИНИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг марксизм-ленинизм университети партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларининг ғоявий-назарий савиясини оширишга, коммунистлар ва партиясизлар кенг активининг марксча-ленинча тайёргарлигини амалга оширишга, сиёсий маориф барча шахобчалари учун пропагандистлар ва сиёсий ахборотчилар тайёрлашга даъват этилган, партия таълими системасининг ўқув-методик билим юрти ҳисобланади.

УНИВЕРСИТЕТ 1978 ЙИЛ 15 АВГУСТДАН ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТ ВА БЎЛИМЛАРГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛА БОШЛАЙДИ

ИДЕОЛОГИЯ КАДРЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎҚИШ МУДДАТИ ИККИ ЙИЛ

1. Тарих бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва СССР янги Конституцияси асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
КПСС тарихи;
ижтимоий психология;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари;
партия ўқуви методикаси;
2. Иқтисод бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
сиёсий иқтисод;
раҳбар меҳнати;
партия ўқуви методикаси;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари.
3. Марксча-ленинча фалсафа бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар;
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
фалсафа тарихи;
диалектик материализм;
тарихий материализм;
ижтимоий психология;
партия ўқуви методикаси;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари.
4. Илмий атеизм бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
илмий атеизм асослари;
марксча-ленинча фалсафа;
илмий-атеистик пропаганда методикаси;
марксизм-ленинизм классиклари асарлари бўйича махсус курс.
5. Этика ва коммунистик тарбия бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
марксча-ленинча фалсафа;
марксча-ленинча этика;
марксча-ленинча эстетика;
партия ўқуви методикаси;
коммунистик тарбия асослари.
6. Илмий коммунизм бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанлари ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
илмий коммунизм;
партия ўқуви методикаси;
ижтимоий психология, махсус курс (биринчи манбалар бўйича обзор тариқасида лекция ва семинарлар);
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари;
7. Идеология ишлари назарияси ва методлари бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
идеология ишларининг назария ва методлари;
марксча-ленинча фалсафанинг актуал масалалари;
партия ўқуви методикаси ва нотиқлик санъати;
ижтимоий психология.
8. Сиёсий ахборотчилар бўлими (қуйидаги потоклар бўйича):
а) **Мамлакат иқтисодий ҳаёти.** Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
социализмнинг сиёсий иқтисоди;
экономика ва ишлаб чиқаришни бошқариш асослари;
оммавий-сиёсий ишлар;
ижтимоий психологил асослари;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари;
б) **Мамлакат халқаро ҳаёти.** Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
халқаро муносабатлар тарихи;
ҳозирги халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати;
оммавий-сиёсий иш;
дунёнинг сиёсий картаси;
ижтимоий психология асослари;
идеологик курашнинг актуал масалалари.
в) **Мамлакат маданий ҳаёти.** Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституцил асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
марксча-ленинча эстетика асослари;
коммунистик ахлоқ асослари;
коммунистик тарбия асослари;
оммавий-сиёсий иш;
ижтимоий психология асослари;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари;
9. Лекторлар бўлими (қуйидаги потоклар бўйича):
а) **Иқтисодий.** Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
марксизм-ленинизм классикларининг асосий иқтисодий асарлари;
иқтисодий таълимотлар тарихи;
лекторлик маҳорати (махсус курс);
ижтимоий психология;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари;
б) **Тарихий.** Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
КПСС тарихи;
лекторлик маҳорати (махсус курс);
ижтимоий психология;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎҚИШ МУДДАТИ ИККИ ЙИЛ

1. Партия қурилиши бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар.
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
партия қурилиши;
КПСС тарихи;
ижтимоий психология;
совет қонунчилиги асослари.
2. Совет қурилиши бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
КПСС тарихи;
совет давлат қурилиши ва ҳуқуқининг асослари;
ижтимоий психология.
3. Министрлик ва идоралар ходимларининг бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
марксча-ленинча фалсафа;
раҳбар меҳнати;
совет қонунчилиги асослари;
ижтимоий психология.
4. Хўжалик раҳбарларн бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
сиёсий иқтисод;
раҳбар меҳнати;
совет қонунчилиги асослари;
ижтимоий психология.
5. Илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳа-конструкторлик бюролари ходимлари бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
раҳбар меҳнати;
марксча-ленинча фалсафа;
ижтимоий психология;
илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари экономикаси (махсус курс);
совет қонунчилиги асослари.
6. Соғлиқни сақлаш раҳбар ходимлари бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
медицина фалсафий масалалари;
марксча-ленинча этика;
ижтимоий психология;
совет қонунчилиги асослари;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари;
7. Маориф раҳбар ходимлари бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
марксча-ленинча фалсафа;
марксча-ленинча этика ва эстетика;
ижтимоий психология;
ҳозирги идеологик курашнинг актуал масалалари.
8. Ўқитувчилар бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар;
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
марксча-ленинча фалсафа;
партия меҳнати;
совет қонунчилиги асослари;
ижтимоий психология.
9. Курилиш ташкилотлари раҳбар ходимларининг бўлими. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
раҳбар меҳнати;
КПСС тарихи;
ижтимоий психология;
қурилиш экономикаси (махсус курс);
совет қонунчилиги асослари.
10. Умумий бўлим. Ўқиш муддати уч йил. Умумий бўлимга ўрта, ўрта махсус ва тугалланмаган олий маълумотли, шунингдек марксизм-ленинизм асослари мактабини тамомлаган тингловчилар қабул қилинади. Тингловчилар қуйидаги фанларни ўрганадилар:
партия XXV съезди қарорлари ва янги Конституция асосида КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари;
КПСС тарихи;
сиёсий иқтисод;
марксча-ленинча фалсафа;
илмий коммунизм асослари;
совет қонунчилиги асослари.

Марксизм-ленинизм университети ўқув машғулотлари, лекция, семинар машғулотларидан, мустақил иш, докладлар, рефератлар, диплом ишлари тайёрлашдан, назарий конференциялар, пропагандистик практика, консультациялар, зачёт ва имтиҳонлардан иборат бўлади.

Ўқишнинг экскурсия, партия, совет органлари раҳбарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар формаларидан ҳам фойдаланилади.

Университетни тамомлаган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган тингловчилар партия ўқуви системасида олий сиёсий таълим олганликлари ҳақида диплом олишади.

Университетга бошқа ўқув юртларида ёки тайёрлов курсларида ўқиётган кишилар қабул қилинмайди.

Аризалар бошланғич партия ташкилотлари томонидан иш жойида қабул қилинади, район партия комитетларида ва Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитетининг комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Университет адреси: **Пушкин кўчаси, 17.**
Телефонлар: Директор— **33-84-46.**
Ўқув бўлими **33-21-61, 33-99-05.**

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.


* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА
Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР йўрға ва чопқир отларининг
ПОЙГАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ипподром залида «Аттракцион» электрон автомати, тотализатор ишлайди.

ОТ ПОЙГАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



Тошкент тўқимачилик комбинати базасидаги
85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
йигирувчилар, ленталовчилар, ўровчилар, ростловчилар
ТАЙЁРЛАЙДИГАН
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
8—10 синф ҳажмида маълумотли қизларни
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, махсус кийим, 50 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЁТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юрти адреси: 700092, Тошкент шаҳри — 92, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. Телефон: 53-39-01.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
127-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Тошкентда яшовчи, 10-синфни тамомлаган йигит ва қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Эркаклар устки кийими бичиқчиси, аёллар устки кийими бичиқчиси, тикувчилик ишлаб чиқариши контролёри, тикувчилик ишлаб чиқаришининг ремонтчи-слесари.
Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм.
Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Билим юртида аёлларнинг енгил қўйлакларини тикиш бўйича бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секцияларн ишлаб турибди. Уй-рўзғор хўжалиги асослари ўргатилади.
Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, ишаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см, ҳажмида), мактабдан характеристика.
Машғулотлар— 1 сентябрда бошланади.
Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:
Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 60-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 63, 89, 24-автобуслар, 2, 16, 3, 22, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой» бозори бекати).
Тошкент шаҳар, Магазин-мавзуи кўчаси, 136-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси филиалининг территорияси (10-экспресс, 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).
Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5 «а»-уй (2, 3, 25, 60, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).

ОТАЛАР ВА ОНАЛАР!

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги
«ЎЗБЕКИСТОН» ТОШКЕНТ ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ
1 ва 4-магазинларида
5 СЕНТЯБРГАЧА
ЎҚУВЧИЛАР ФОРМАСИ ВА ПОЙАФЗАЛИ САВДОСИ БЎЙИЧА
ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ



ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:
1— Навоий кўчаси, 18-уй;
4— Маҳкамдўзлик кўчаси (Калинин майдонида).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
М. З. МИРЗАЛАҲМЕДОВ НОМЛИ 4-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА АЛОҚА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛИДА 8-СИНФНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: кабелчи-пайвандчи, телефон ускуналарини монтаж қиладиган алоқа монтажчиси, қишлоқларни телефонлаштириш ва радиолаштириш монтёри, автомат телефон станциялари ускуналари монтёри, қишлоқ телефон алоқаси станцияси ускуналари монтёри, телеграф алоқаси станцияси монтёри, гидрометеорология хизмати радио-оператори, шаҳарлараро телефон алоқаси станцияси ускуналари монтёри.
Билим юртини тамомлаган йигит-қизлар ўрта маълумот ҳамда мутахассислик бўйича диплом оладилар.
Ўқишга 15—15 ярим ёшдаги ўсмирлар ва қизлар қабул қилинади.
Шаҳар ташқарисидан ўқишга келган ўғил болалар ётоқхона билан таъминланади.
Ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар.
Ўқиш муддати иш стажига ўтади.
Машғулотлар биринчи сентябрдан бошланади.
Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: директор номига ариза, мактабдан характеристика, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (кўчирмаси), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), турар жойи ва ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 33-07-77, 33-07-65, 33-07-85, 33-07-44.

КИНО

28 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА
САНЪАТ САРОЙИ — Эй, бахтли инсон (19.00).
Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ЧАЙКА» (19, 21.30), «ДРУЖБА» (20.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (20.00).
Сўнгги отишма — «ДРУЖБА» (19, 21.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ номли (18, 20.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00).
Есения — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кечқуруи).
ЁЗГИ БИНОДА
Ачиган вино — «ХИВА» (20.50, 22.30).

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 99-мактаб томонидан Собиров Равшан номига берилган 313200 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

28 ИЮЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг
«Восток» программаси

18.00 «Гавана меҳмонларни кутиб олмоқда». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ» нотолар». 19.00 «Визнинг обзор». Курсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 19.45 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Ғолиблар авлоди». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.20 «Бирючий оролининг эртаги». Илмий-оммабоп фильм. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 18.25 «Жанговар постда», «Ғалланй автомобилда ташишда нобудгарчиликнинг олдини олайлик». 18.45 «Биз қишлоқда яшаймиз». Қишлоқларни комплекс қуриш ва ободонлаштириш бўйича курик-конкурси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёхат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Тожикистон телевидениеси ва радиосининг солистлари А. Ҳошимов ва А. Солиев ижро этадилар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвадор» программаси. 22.15 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Оловдан ўтиб бўлмайди». Бадиий фильм (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

29 ИЮЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг
«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Буратино кўргазмаси». 10.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 «Тонги почта», Музикали программа. 11.25 «Советлар ва ҳаст». 11.55 Болалар учун. «Биринчи довул». Телевизион бадиий фильм. 13.05 «Инсон. Ер. Коинот». Курсатувни икки марта Совет Иттифоқи қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 13.50 А. Лядов. Саккизта рус халқ қўшиғи. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси академик рус халқ чолғу оркестри ижро этади. 14.05 «Колхозларнинг колхози». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.55 «Жалейка» ансамбли чалади. 15.20 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 16.05 «Спортлото» тиражи. 16.15 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзуларидаги суҳбати. 17.05 «Ҳайвонот оламида». 18.05 «1978 йил қўшиқлари». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «9-студия». Курсатувни В. С. Зорин олиб боради. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, КПСС Марказий Комитети бўлими маслаҳатчилар группасининг раҳбари Н. В. Шишлин иштирок этади. 19.45 Гаванада ўтказиладиган ёшлар ва студентлар XI жаҳон фестивалининг очилиши. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Ёшлар ва студентлар XI жаҳон фестивали қатнашчиларининг спорт байрами ва концерт. Гаванадан олиб курсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Юморески» телевизион театри. «Оила жанжали». 10.50 «Биз — Андижонданмиз». Андижон область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 12.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.20 «Ёш киноҳаваскорлар клуби» (рус.). 14.20 «Олтин шоҳ». Бадиий фильм. 15.50 «Ўзбекистон спорти». 16.00 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига. «Визнинг денгизчилар мактабимиз» (рус.).
17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.10 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Ленин тугган партия». В. И. Ленин номли Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 18.35 «Советский воин». Тележурнал. 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Орзу онлан». Лирик концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати Отажон Худойқуров ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муътабар Йўлдошева концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Ноз-неъмат бунедкорн». 22.15 «Бугдойзорлар оралаб». Бадиий фильм. 23.30 Биринчи лига командалари ўртасида чим устида хоккей ўйинн. СССР чемпионати. «Политехник» (Тошкент)— «Химик» (Фарғона). «Политотдел» колхозининг стадионидан репортаж (езиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.05 Кўрсатувлар программаси. 17.10 Пионерлар театри. 17.45 «Новости» информацион программаси. 18.00 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Партиянинг тугилиши». 18.20 «Ахбор» информацион программаси. 18.45 Москва. «9-студия». 19.45 Гаванада ўтказиладиган ёшлар ва студентлар XI жаҳон фестивалининг очилиши. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ХИМИЯ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория катта илмий ходимлари: адсорбция, химиявий технологиянинг назарий асослари, Самарқанд экспериментал база лабораторияси, полимерлар модификацияси (3 ўрин), кумир химияси, илмий-техника информацияси группаси (фан доктори ёки кандидатлари).

Конкурс муддати— эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

28 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан ва мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-61-42.

Р—03487. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1365.